



САДОҚАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛГАНЛАР ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан, чет эллик инвесторлар “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди.



30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари маросим иштирокчиларини, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклаб, эзгу тилақларини изҳор этди. Бу даврда мамлакатимиз катта тараққиёт йўлини босиб ўтгани, барча соҳаларда ўзгаришлар бўлаётгани таъкидланди.

— Халқ манфаатини таъминлаш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг лойиҳасини муҳокамага кўйганимизда 1 миллиондан кўп тақлифлар келиб тушди. Бу нимадан далолат? Халқимиз бефарқ эмас. Йўналишларимизни, камчиликларимизни кўрсатиб берапти. Бу биз учун “йўл харитаси”. Давлатга энг катта ҳакам — халқ, — деди Президент.

Бу муҳим ҳужжатда Ватанимиз мустақиллигини ва тинчлигини асраш, куч-

ли иқтисодий шакллантириш, халқимиз ҳаётини обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш вазифалари белгиланган.

— Содда қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, Янги Ўзбекистонда халқимиз яйраб ишлайдиган, ҳаётдан рози бўлиб, яйраб яшайдиган давлат қуришдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг замини, аввало, тинчлик, барқарорлик. Халқимиз бунинг қадрига этиб, интилиш, меҳнат руҳида яшамоқда. Янги-янги замонавий sanoat корхоналари ишга туширилмоқда. Илм-фан, технологиялар, хизмат кўрсатиш борасида муҳим натижалар қўлга киритилмоқда. 2022 йил якунларига қўра, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 5,7 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида шинам уй-жойлар, йўл ва кўприклар, шафохоналар, боғча, мактаб, маданият ва спорт марказлари бунёд

этилмоқда. Табиат қийинчиликларига қарамаддан, кишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиниб, озиқ-овқат хавфсизлигини, халқимиз дастурхонини тўқинлигини таъминлашга эришилмоқда.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз улуғ мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг “Бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир”, деган сўзларини келтирди.

Бунинг ифодасини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга, жумладан, кекса авлод вакиллари, аёллар ва ёшларга ғамхўрликда яққол кўриш мумкин. Кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим бериш, замонавий касб-хунарларга ўргатиш, инфратузилмани яхшилаш ҳисобидан республикамизда камбағаллик даражаси сезиларли пасаймоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалардаги ишларни, одамларнинг фаоллигини кайд этди.

— Биз биринчи кундан халқ ичига кириб бораёلمиз. Кўп тизимларни маҳаллага туширяёلمиз. Нимага? Маҳалла — давлатчилигимизнинг замини. Агар 9 минг 400 та маҳалла тинч бўлса, юртимиз тинч бўлади. Инвестиция ҳам, таълим-тарбия, қурилиш, ободонлаштириш ҳам маҳаллада бўлса, қандай ўзгариш бўлади?! Мана, “Очиқ бюджет” орқали одамлар ўз муаммосини олиб чиқиб, овоз бериб, ўзи назорат қилаяпти. Шунинг учун маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича ишларимизни қатъий давом эттираёلمиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент маросимга йиғилганларни номма-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан табриклади. Уларни Янги Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари сифатида қадрлашини таъкидлаб, фидокорона меҳнати, ёш авлодга ибрати учун миннатдорлик билдирди.

— Бахт нима ўзи? Фарзандлар бағрида соғ-саломат юриш, оилада,

эл-юртда азиз бўлиш, ҳалол қилган меҳнатининг қадрини кўриш. Бугун халқимиз сизлар билан фахрланади, сизларга ҳавас билан қарайди. Илоҳим, мана шундай обрў, мана шундай хурмат-эътибор сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг, мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Маълумки, миллий ўзлгимизни англаш нуқтаи назаридан, Президентимиз ташаббуси билан “Имом Бухорий” ордени таъсис этилган. Юртимиз ва минтақамизда муқаддас ислом динини асраш, илмий меросини ўргатиш ва муслмонларга етказиш йўлида маънавий жасорат кўрсатиб яшаган икки буюк ватандошимиз, марҳум муфтийлар — шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳамда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотланган эди. Тадбирда улар-

нинг фарзандларига ушбу табаррук нишон топширилди.

Эл-юртимизда хурматга сазовор нурунийлар, давлат хизматчилари, олим ва педагоглар, тадбиркорлар, sanoatчилар, ижодкор ва санъаткорлар, ҳарбийлар, спортчи ва мураббийлар мукофотларни қабул қилиб олди.

Президентимиз уларни табриклаб, самимий дил сўзлари ва тилақларини айтди.

— Бугун мен сизларнинг очиқ чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баланд руҳни кўриб, очигини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман. Ниятим: кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар сизларга янги-янги куч-ғайрат бахш этсин, — деди Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилақлар билдирди.

ЎЗА

“ACWA POWER” КОМПАНИЯСИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни Саудиянинг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайяни қабул қилди.

Ушбу компания билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мамлакатимиздаги устувор лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон энергетика тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилишга энг кўп инвестиция киритаётган “ACWA Power” билан самарали шериклик даражасини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Замонавий иссиқлик электр станциялари, шамоп ва кўёш энергетика объектлари, энергетика инфратузилмасини барпо этиш, “яшил” водород ишлаб чиқариш, илгор технологик ечимлар асосида ускуна ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Муҳаммад Абунайя ҳамраислик қилаётган қўша Ишбилармонлар кенгаши доирасида

Саудиянинг етакчи компания ва банк институтларини Ўзбекистонга жалб қилиш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида “ACWA Power” раиси унинг фаолияти юксак баҳолангани ва давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани учун Ўзбекистон етакчисига чўқур миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



БУЮК ЎЗБЕК ЙўЛИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА

АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Айни кунларда юртимизнинг барча шахару кишлоқлари, маҳаллаларида давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги юксак шоду хуррамлик, кўтаринки руҳ ва ўзгача юқори кайфият билан нишонланаётир.

Бугун ўтмишга назар ташлар эканмиз, ўша даврда янги мустақил давлатларни қандай истиқболлар кутаётганини ҳеч қим аниқ билмаганини яққол кўраемиз. Ўзбекистон ҳам анча машаққатли тараққиёт йўлини босиб ўтиши керак эди.

Шунга қарамай, ўзбек халқининг оқиллиги ва ҳамжихатлиги туфайли Ўзбекистон мана шундай оғир даврда ҳам тинч тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга, энг муҳими, турли катаклизмлар, иқтисодий

бетартибликларнинг олдини олишга муваффақ бўлди. Бироқ адолат учун таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқи мустақил тараққиёти даврида ҳозир экспертлар томонидан муайян сиёсий ва иқтисодий турғунлик даври сифатида тавсифланган даврни ҳам бошидан кечиршига тўғри келди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

30 август куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш тантанали маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси элчиси Юй Цзюнь, Малайзия элчиси Илҳом Туа Бин Илём, Буюк Британия элчиси Тимоти Смарт, Туркманистон элчиси Шодурди Мередов ва Бангладеш Халқ Республикаси элчиси Муҳаммад Монирул Исломдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини Ўзбекистондаги фаолияти расман бошлангани билан самимий кўтлади.

Тантанали маросим Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи давлат мустақиллигининг 32 йиллигини кенг нишонлаётган пайтда ўтказилаётгани раамзий маънога эга экани қайд этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда умумэътироф этилган демократик нормаларга мувофиқ муҳим сиёсий тадбирлар — янгиланган Конституцияни қабул қилиш бўйича референдум ва Президент сайлови муваффақиятли ўтказилгани таъкидланди. Уларнинг натижалари амалга оширилаётган ислохотлар ортага қайтмаслигини мустаҳкамлаб қўйди. Бу “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон етакчиси дунёда геосиёсий кескинлик кучайиб, ўзаро ишонч сусайиб бораётган, турли минтақаларда янги низо ўчоқлари вужудга келиб, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдидлар ортаётган шароитда Ўзбекистон очик ва прагматик таъкид сисбат юритаётганини алоҳида таъкидлади.

Жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро хурмат ва амалий ҳамкорлик асосланган муносабатлар тизими ривожланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар билан кўп томонлама шериклик мустаҳкамланмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ҳамда Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг юбилей сессияси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари янги элчилар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан мулақо янги даражага олиб чиқишга доир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Хитойдан янги тайинланган элчи мурожаат қилар экан, Пекин

бизнинг ишончли ва вақт билан синналган дўстларимиздан бири экани, у билан муносабатлар кейинги йилларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини қайд этди.

— Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларининг бир йил аввал мамлакатимизга амалга оширган тарихий давлат ташрифи ҳамда жорий йил май ойида Сянхэ шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Хитой” саммити доирасидаги самарали учрашувимиз икки томонлама муносабатларга кучли сурбат бағишлади, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро савдони кўпайтириш, Хитойнинг етакчи компаниялари билан юқори технологиялар ва инновациялар борасидаги шерикликни кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш, сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергетика, илгор sanoat ва инфра-тузилма, “ақли” кишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика бўйича қўша мўйиҳа ва дастурларни рўёбга чиқариш, фан-таълим ва маданий алмашинувларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ШУКУХ

ВАТАН БАҒРИДА БЎЛ БЕДОР



Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

Ватан бағрида бўл бедор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ, Ғаму дардига бўл даркор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Валилар гар Ватан дерлар, сафар андар Ватан дерлар, Ватан ичра ватанлар бор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Жаҳонда мулку давлат кўп, мусофир халку миллат кўп, Келиб кетгүвчилар бисёр, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Бу кенг оламда сайёҳлар кезар – тенг ярми гүмроҳлар, Улардан тинглар истиғфор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Шу тупроқ – Ер юзи янглиг, Бухорий, Термизий янглиг, Сенга номус эрур ҳам ор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Ватан – Бобораҳман Машираб, ҳамон сўз айтадир қақшаб, Агар бўйнидадир минг дор – Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Ёниб шому саҳарларда, олов бўлгил шафақлардай, Ялов бўл ҳам яловбардор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Уни мангу ва бетакорр яратмиш Қодир Қажҳор, Гувоҳдир гумбаз даввор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Бу алвон лола майдони – кўмилган Жиззах исёни, Шаҳидлар қонидан гулзор – Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Тўлаб Чўлпонлари ўлпон, ётибдир шоиру чўпон, Юрак бағри жароҳатзор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Келиб кўр боғу айвонин, Адибларнинг хибобинин, Адаб ҳам ёдига ёдгор – Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Қолиб-кетгүвчилар бисёр, нолиб кетгүвчилар бисёр, Улардан бўлмагил синҳор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Учар гар қошу мижгонинг – қутар тандирдаги нонин, Онандай мушфику хоксор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Бу оламда ягонандир, отан ётган саёнангдир – Хасу хорид мунг асрор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Уни кимлар ҳавас этмас, унга чексиз нафас этмас, Буюк изҳору ҳам иқдор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Яралмиш шавкату шондан, матонат бирла ийдондан, Ватан севганга толе ёр, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Фалак ўпган иморатлар, дилу жондан иборатлар, Ватан пайдодир пайдор, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Хатарнок айланур олам, бу нолам сенга, жон болам, Сен оғоҳ бўлу ҳам хушёр, Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

Сен унга обу оташ бўл, навобахшу давобахш бўл, Жафокаш бўлу хизматкор – Ватан ҳеч қайга кетган йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Октябрь ойида Хитойда бўлажак “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми доирасида олий даражали учрашув утказилиши режалаштирилган.

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим ҳамкори.

— Муносабатларимиз ўзаро ҳурмат ва анъанавий дўстлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Давлатларимизнинг долзарб глобал ва минтақавий масалаларга доир қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқин, — деди Ўзбекистон Президенти.

Электроника ва электротехника, ахборот технологиялари, озиқ-овқат sanoati, туризм, таълим ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, Малайзиянинг етакчи компаниялари, айниқса, нефть-кимё корхоналари билан шериклик алоқаларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент ва Урганч шаҳарларида Малайзиянинг “Бинари” университети муваффақиятли ишламоқда.

Фаол ўзаро таширлар ҳам олий даражадаги учрашувлар учун яхши замин яратмоқда.

Жаҳонда улкан сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Буюк Британия Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ва муҳим ҳамкори.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган кенг алоқалар йўлга қўйилиб, барқарор ривожланмоқда, янги йўналишлар ва аниқ дастурлар билан бойим.

Парламентлар, суд идоралари, адлия, таълим ва молия вазирликлари ўртасидаги шериклик кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Буюк Британия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Иқтисодий йўналишда ўзаро савдо ҳам-ма юқори суръат билан ўсмоқда.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз инвестициялар ва инновациялар соҳасидаги ишга солинмаган улкан салоҳиятни тўлиқ рўйбга чиқаришдан манфаатдор эканини қайд этиб, банк иши ва молия, рақамли иқтисодиёт, “яшил” энергетика, геология, кимё ва бошқа устувор йўналишларда янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш таклифини билдирди.

Туркменистон — энг яқин қўшнимиз. Тили, дини ва урф-одатлари муштарак бўл-

ган халқларимиз кўп асрлар давомида ён-ма-ён яшаб келмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда барча йўналишларда — сиёсат, парламентларо алоқалар, савдо ва иқтисодиёт, транспорт, энергетика, сув ва қишлоқ хўжалигида, маданий-гуманитар соҳада янги даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг Ашхободга яқиндаги ташири, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан сермахсул музокаралар стратегик шерикликнинг янада чуқурлашишига хизмат қилди.

— Биз савдо алоқаларини кенгайтириш, иқтисодий соҳада ҳамкорликни мустақамлаш ва аниқ лойиҳаларни амалга ошириш, юк ташиш ва транзит ҳамчини кўпайтириш учун улкан салоҳиятга эга-миз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Кўп қиррали алоқаларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги яқин мулоқотни ва ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттириш нияти билдирилди.

Бангладеш Халқ Республикаси — Жанубий Осиё ва бутун ислом оламида тез ривожланаётган давлат. Мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотлар фаоллашган.

Сиёсий ва савдо-иқтисодий йўналишларда “йўл хариталари” қабул қилинган. Тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, туризм тармоқларида шерикликни кенгайтириш, янги инвестиция лойиҳалари ва қўшма дастурларни амалга ошириш истиқболлари белгилаб олинган.

Маросим якунида Ўзбекистон Президенти элчиларга масъулиятли ва шарафли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юксалтириш учун фаолроқ ишлаш ва худудларимизга кўпроқ боришга чақирди.

Дипломатлар самимий қабул, самарали фаолиятига яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, бор билим ва саъй-ҳаракатларини икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга қаратишларини таъкидладилар.

ЎЗА

БИЗ ВА ДУНЁ

“FORBES”: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАРЧА ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ТИКЛАДИ

фуқаролик жамиятига эркинлик берди ҳамда иқтисодиётни очиқ ва замонавийлаштириш дастурини илгари сурди

АҚШнинг машҳур “Forbes” молиявий-иқтисодий журналида таниқли журналист ва таҳлилчи Кеннет Рапозанинг “Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ислохотлар учун кўпроқ вақт ажратмоқда” сарлавҳали мақоласи чоп этилди.

“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 9 июль куни бўлиб ўтган муддатидан илгари мамлакат Президенти сайловидидаги ҳал қилувчи ғалабаси давлат ижтимоий-сиёсий тузилиши ва иқтисодий янгиланишларни кучайтиришдан дарак бермоқда, — деб ёзади эксперт Кеннет Рапоза. — Шавкат Мирзиёев 2016 йилда биринчи марта президентликка сайланганидан бери Америка Қўшма Штатлари билан яқин муносабатларни ривожлантирди ва савдо шерикларини диверсификация қилиш учун ҳаракат қилмоқда”.

Мақолада ушбу лавозимни эгаллаганидан бери Шавкат Мирзиёев Президент Дональд Трамп даврида Оқ уйга ташир буюргани ва Вашингтон билан яқин алоқаларни ривожлантираётгани қайд этилган.

Муаллиф мамлакатдаги ислохотларни таҳлил қилар экан, “Bluestone” инвестиция банки президенти Куинн Мартиннинг куйидаги сўзларидан иқтибос келтирган: “Шавкат Мирзиёев кемани 180 градусга буриб, янги йўналиш сари бошлади. У барча қўшни мамлакатлар билан муносабатларни тиклади, фуқаролик жамиятига эркинлик берди ҳамда иқтисодиётни очиқ ва замонавийлаштириш дастурини илгари сурди. Ҳали қўллаб-қувватлар мавжуд, аммо бугунги кўнра мадаро эришилган ютуқлар жуда ажойиб”.

“Forbes”да босилган ушбу мақолада Ўзбекистон Президенти хусусийлаштиришни қамраб олувчи улкан иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаётгани алоҳида урғуланган. Таъкидланганидек, маҳаллий чакана инвесторларни жалб қилишга қаратилган “Халқ ИПО” ташаббуси ва муҳим давлат активларини сотиш очиқ бозор иқти-

содиёти сари сезиларли силжишини билдиради.

Журналда давлатимиз раҳбарининг март ойида эълон қилинган янги хусусийлаштириш режасида турли худудлардаги 1000 та давлат корхонаси, 1500 гектар ер ва 10 миллион квадрат метрдан ортиқ кўчмас мулкни сотиш назарда тутилгани ҳақида сўз юритилган.

“Ушбу чора-тадбирлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, Ўзбекистоннинг позитив обрўсини корпоратив сармояларни қабул қилувчи давлат сифатида кўтаришди, — дея қайд этади муаллиф. — Шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг фуқаролик жамияти эркинликлари ва коррупцияга қарши чораларга қаратилгани билан ажралиб турадиган бошқарув услуби жуда илгор. Мамлакат раҳбари Ўзбекистон учун муваффақият тарихига айланмоқда ва собиқ совет давридан қолган анъанавий сиёсатдан қайтмоқда”.

“Forbes” Ўзбекистонда АҚШ инвестициялари ҳажми ортиб бораётганига алоҳида эътибор қаратган. “Май ойида саноат ва ишлаб чиқарувчи “Air Products” ва “Chemicals of Allentown” компаниялари Ўзбекистон ҳукумати билан “Ўзбекнефтгаз” компаниясининг қайта ишлаш бўлини маси-ни сотиб олиш бўйича 1 миллиард долларлик инвестиция келишувини эълон қилди. Январ ойида “American Soybean” компанияси Ўзбекистонда илгари фойдаланилмаган ерларда соя етиштириш ва ўзаро соя ҳамда соя уни учун қайта ишлашга 300 миллион доллардан ортиқ сармоя кири-тишга рози бўлгани хабар қилинган эди”, деб таъкидланади материалда.

Мақола якунида: “Келгуси бир неча йил жамоатчилик ишончини сақлаб қолиш учун жуда муҳим бўлади. Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши керак. Одамлар аввалгидек ислохотнинг тез суръатларини кутмоқда”, — деб ёзади Кеннет Рапоза.

“Дунё” АА

Вашингтон

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

... БИР МАРТА КЎРГАН ЯХШИ

Тошкент туманида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ташкил этилган пресс-тур яқинда чоп этилган “Ҳожа Аҳмад Яссавий” китобининг тақдими билан бошланди.

Дастлаб ОАВ вакиллари тасаввуфнинг “Ясавия” тариқати асосчиси Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳамда унинг Қозғистонда жойлашган мақбараси ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиши ва китоб муаллифларининг фикрлари билан танишдилар.

Шундан сўнг туманда жорий йилда амалга оширилган ишларга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Йил ҳисоботи тарзида кўрсатилган мазкур фильм фикр-мулоҳазаларга бой матбуот анжуманига айланиб кетди.

Китоб тақдими, ҳужжатли фильм намойиши, ҳоким иштирокидаги савол-жавоблардан сўнг тумандаги ўзгариш ва янгиланишларни кўздан кечириш мақсадида Келес йўли кўчасида барпо этилган кўпхонадонли уйлар ва бу ерда яратилган шароитлар билан танишдик.

Истиқлол берган имкониятлар

— Истиқлол туфайли эришган ютуқларимизни, халқимиз истиқболда очилган имкониятларни санаб адоғига етиш қийин. Жумладан, қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳардаги каби энг зарур шароитларга эга турар жой бинолари қури-лаётгани ҳам шу даврда юз берган ва давом этаётган ўзгаришлар, эришган ютуқларимиз самарасидир, — деди туман ҳокими Оди-лон Рустамов. — 240 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган туманимиз айнан кейинги йиллардаги ислохотлар натижасида тубдан ўзгариб. Биргина шу йилнинг ўзида 380 та хонадонли 6 та кўп қаватли уй-жой

қурилди. Иқтисодиёт ва аҳоли зарур инфра-тузилма билан таъминлаш борасида ҳам кенг қамлаб ишлаш амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида туб бурилишлар юз берди. Файзобод маҳалласида жойлашган “Туманлараро перинатал марказ” 110 ўринга мўлжалланган бўлиб, йилга ўртача 5,5 мингга яқин туғуруқ қайд этилган.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида перинатал тиббий ёрдамни мақсади йўналтириш тўғрисида”ги қарорига асосан, мамлакатимизда ташкил этилиши лозим бўлган 46 та туманлараро перинатал марказлар рўйхатида Тошкент тумани туғу-руқ комплекси ҳам қуриб берилади. Бугун ушбу комплекс “Туманлараро перинатал марказ” сифатида фаолият юритмоқда. Саноат, таълим, ижтимоий ҳимоя, туризм соҳасида ҳам янгилик ва ўзгаришлар оз эмас. Асосийси, аҳолимиз тафаккури, шижоати бутунлай кўтаринки манзара касб этган.

Саломатликка нима етсин

Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши деган нақлга амал қилган ҳолда “Туманлараро перинатал марказ” сари йўл олдиқ. Мазкур тиббиёт муассасасида қўш-мичча 10 ўринли чақалоқлар паталогияси, 6 ўринли чақалоқлар реанимацияси бў-лимлари ташкил этилган. Бу оғир аҳволда ва кам вазн билан туғилган чақалоқларга ўз вақтида, самарали хизмат кўрсатиши таъминлайди. Муассасадаги 35 на-фар шифокорнинг барчаси юртимиздаги

нуфузли тиббиёт муассасаларида алоҳида ташкил этилган ўқув курсларида малака оширган. Марказ замонавий тиббий асбоб-ускуна ва буюмлар билан тўлиқ жиҳозлан-ган. Бунинг учун 2,1 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Ушбу перинатал марказ нафақат Тошкент, шунингдек, Қўбрай ва Зангиота туманлари аҳолиси, жумладан, юқори хавфли перина-тал асоратлари бўлган ҳомиладор ва туққан аёллар ҳамда янги дунёга келган чақалоқ-лар учун юқори технологияли иختисослашти-рилган тиббий ёрдам кўрсатиб келади.

Эскиси бузилди, янгиси қурилди

Худуддаги 1939 йилда қурилган 140 ўринли боғча ўрнида “Silver Ston Bilding” МЧЖ томонидан барпо этилган 9-мактабга-ча таълим ташкилоти ҳам эътирофга муно-сиб жойлардан бири экан.

Эски боғча ўрнида бугунги кунда 560 ўринли замонавий мактабгача таълим таш-килоти бунёд этилгани ҳам мустақиллик байрамига ўзига хос туғфа бўлди. У Ҳасан-бой, Баҳор маҳаллалари худудларидаги мактабгача таълим ёшидаги болажонлари қамраб олган.

“Гулзор”га хуш келибсиз

Жорий йилда фойдаланишга топши-рилган янги иншоот — “Гулзор” маданият маркази туман аҳолисининг энг гавжам ва севили масканларидан бирига айланиб улгурди.

— 3-сектор худудида қад ростлаган маз-кур маданият маркази 140 ўринли бўлиб, 3 миллиард сўм эвазига қуриб битказилди.

Кун якунида журналистлар туман мар-казидаги сайлгоҳда ташкил этилган танта-нали тадбирда иштирок этди. Байрамонга безатилган турли кўргазмалар, туман са-лоҳиятини акс эттирувчи ярмарка, бадий чқишлар, спорт, маданият ва таълим со-ҳасининг ёрқин намуналари пресс-тур иш-тирокчиларига бирдай манзур бўлди. Хушо-воз хонандалар ижросидаги куй-қушқлар, дилбар рақслар гулдастаси юртимизда кенг нишонланаётган байрамларнинг гузал ва ёрқин акс садоси бўлиб янгради. Тошкент туманининг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги ян-гилликлар, улкан бунёдкорлик ва барча со-ҳадаги изчил ислохотларнинг салмоқли на-тижалари эса туйга тўёнадек кунгилларни хушнуд этади.

Гуличехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА

АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР ВА ИСТИҚБОЛ



Турдикул БЎТАЁРОВ, Марказий Осиё халқаро институти бош илмий ходими

Бошланиши 1-бета

Хусусан, кутилганидан фарқи ўлароқ, 2000-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда олдинга силжиш ўрнига муайян регрессия кузатилади. Уша босқичнинг асосий кўринишлари мамлакатнинг ташқи ўзини ўзи аяқлаши, қатъий чегара ва савдо тўсиқлари, иқтисодий турғунлик, эркин валюта конвертацияси йўқлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари бошбошдоқлиги, тadbirkorларга босим, ҳаёт, диний соҳадаги тақиқлар ва бошқалар жамиятда тотал цензура ҳукмронлиги эди.

Ҳукуматнинг миллий валютани эркин конвертация қилишдан бош торгани ҳам иқтисодиёт ривожига катта зарар etkazди. Бу эса бошқа нотўғри қарорлар билан бирга нафақат тadbirkorлик фаолиятини издан чиқарди, балки инвесторларни бизнесини қўшни давлатларга кўчиришга мажбур қилди.

Мамлакатни мисли кўрилмаган тўб ўзгаришлар йўлидан қатъият билан олиб борган, сиёсий ва иқтисодий модернизациянинг жадал жараёнини бошлаган Шавкат Мирзиёев президентликка келиши билан Ўзбекистон тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. Шу нуқтага назардан, 2016 йил ҳақиқатан янги Ўзбекистоннинг ўзига хос туғилиш нуқтаси бўлди.

Тарих тажрибаси кўрсатадики, халқ рақатлари халқнинг ҳоқимиятига ишончини қайтариш бўйича кўрган шошилинч чора-тadbirkorлиги бўлди. Ана шу мақсадда мамлакат ичидаги репрессив тузум бекор қилинди, сиёсий маҳбусларни озод қилиш орқали фикр ва сўз эркинлигига йўл очилди. Пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати либераллаштирилди, ташқи савдо ва боғжона сиёсати енгиллаштирилди, узоқ кутулган эркин валюта конвертацияси бошланди.

Ишбилармонлик фаолияти юксалиши, хоржий сармоялар фаол кириб келаётгани бу қарорлар тўғрилигини тасдиқлади. Қолаверса, хоржийлик экспертлар ва халқаро ҳамжамиятда бугун бутун МДҲ маконда энг улғувор ислохотлар Ўзбекистонда кечаётганининг қатъий эътирофи шаклланди.

HSBC банкининг "Жаҳон 2050 йилда" ҳисоботида Ўзбекистон яқин ўн йилликларда дунёнинг иқтисодиёти энг тез ўсаётган давлатлардан бири деб топилди. Бундан ташқари, мамлакатнинг "очиқ эшиклар" сиёсати 2019 йилдаёқ дунёнинг энг тез ривожланаётган ва жозибдор сайёҳлик йўналишларининг кучли "бешлиги"дан мустаҳкам ўрин олиш имконини берди.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2016-2022 йилларда мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 5,2 фоиз бўлган бўлса, жаҳонда 2,3 фоизни ташкил этди. Эътиборлиси, коронавирус пандемияси бутун дунёни қамраб олган 2020 йилда ҳам юртимизда ялли ички маҳсулот 1,9 фоиз ошган, жаҳон ялли ички маҳсулоти эса 3,3 фоиз тушган.

Худди шу даврда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси икки баробардан кўпроқ ўсиб, 24,2 миллиард доллардан (2016 йил) 50 миллиард долларга (2022 йил) етди. Экспорт 60 фоиз, яъни 12,1 миллиард доллардан (2016 йил) 19,3 миллиард долларга (2022 йил) ўсди.

Кулай сармоявий муҳит яратиш борасидаги ислохотлар самарасида кейинги 5 йилда иқтисодиётга жалб этилган хоржий инвестиция ҳажми 10 баробар ортиб, 40 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди.

Шу тариқа мамлакат тўлқинланиб, халқ руҳланиб, тўпланиб қолган жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммолар

баргараф этилишига эришилди. Жумладан, қисқа муддатда иқтисодиётда пахта монополиясига барҳам берилди, мажбурий меҳнатдан фойдаланиш тақиқланди. Бундан ташқари, ХМТ Бош директори-нинг фикрича, Ўзбекистон энди тўқимачилик ва тикувчилик саноатида миллионлаб муносиб доимий иш ўринлари очиб, қўшимча қиймат занжири яратишда юқори ўринни эгаллаш имкониятига эга. Бугун бу ҳақда гапириш осон, лекин ҳаммамиз эслаймизки, айнан шу муаммолар ўнлаб йиллар давомида ҳал этилмаган.

Бу каби ўзгаришлар 2021 йил апрелидан бошлаб кенгайтирилган GSP+ имтиёзлар тизими орқали Европа Иттифоқига бож олинмайдиган 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот экспорт қилиш имконини яратди. Бунинг шарофати билан биргина 2023 йил бошидан буюн Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 70 фоиз ошди.

Энди олдимизда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш вазифаси турибди. Бу 160 дан ортиқ давлат билан савдо-сотик қилиш ва барқарор бозорларга тўсиқсиз киришга кенг йўл очади.

Ўзбекистон қолоқ юртлар тоифасидан иқтисодий ривожланиш даражаси юқори давлатлар қаторига ўта олгани иқтисодий соҳадаги яна бир ютуқ бўлди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 2023 йил январь ойи ҳолатида 2 минг 250 долларни ташкил этди. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткични 4 минг доллардан ошириш режалаштирилган. Бу марра юртимизнинг ўрта қатли даромадли давлатлар рўйхатидаги кириши учун замин яратди.

Мутахассислар прогнозича, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолиси 40 миллиондан ошади, 2040 йилда эса 50 миллион кишига етади. Яъни мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортигини 29 ёшдан ошмаган ёшлар ташкил этувчи йирик давлатга айланмоқда. Бу ўлар учун муносиб шароитлар яратишни жадаллаштириш зарурлигини билдиради, ҳамда сифатли таълим, аъзон тиббий хизмат, муносиб иш ўринлари, барқарор ривожланаётган иқтисодиёт, ижтимоий қафолатлар ва бошқаларда ўз аксини топмоқда.



соблаб, ана шундай тикланиш жараёни бошлаш зарурлигини таскидлади. Бу халқнинг қалбига акс садо бериб, буюк мақсадлар сари руҳлантирди.

Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёти учун энди технологик ютуқ зарурлигига тез-тез эътибор қаратилмоқда. Акс ҳолда, Ўзбекистон ўз вақтида тараққиётнинг навабтасидаги технология босқичига ўтишга улғурмаса, мамлакатнинг аҳоли жон бошига ўртача даромади бўйича ривожланаётган давлатлар даражасида қолиб кетиши хаффи пайдо бўлиши аниқ.

Шу боис, давлатимиз раҳбари таълим ва фанни давлатнинг замонавий ривожланишининг асосий таъинларига айлантиришга чакирди. Бундай стратегик вазифани қўйиш, айниқса, замонавий даврда муҳимдир. Зеро, дунёнинг етакчи мамлакатлари "туртинчи саноат инқилоби"ни бошлаб, биороботлар ва сунъий интеллектдан фойдаланяпти, "ақлли ишлаб чиқариш" ёки "инновацион иқтисодиёт"ни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

ички ривожланишининг кейинги истиқболларини белгилаш нуқтаи назаридан жуда муҳим иккита йирик воқеа бўлиб ўтди.

Жорий йил 30 апрель куни Конституциявий ислохотлар бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди ва у фуқароларнинг амалдаги раҳбариятга бўлган ишончини тасдиқлабгина қолмай, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар жараёнининг яқиний нуқтаси бўлди. Шундай қилиб, референдум натижасида Бош қонунимизга 200 га яқин ўзгариш киритилиб, 65 фоиздан кўпроқча янгиланди.

9 июль куни навабатдан ташқари Президент сайлови бўлиб ўтди. "Special Eurasia" халқаро интернет нашри таҳлилчиларнинг 2023 йил 11 июлдаги ҳисоботида қайд этилишича, "Шавкат Мирзиёевнинг қайта сайланиши мамлакат учун муҳим, Ўзбекистонга ислохотлар жараёнини, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва ташқи сиёсат ташаббусларини давом эттириш имконини берувчи кучли бошқарувни таъминлайди".

Бироқ Марказий Осиё минтақасининг геоиқтисодий ўзига хослиги тарихан шундай ривожлангани, бу ерда жойлашган давлатларнинг ҳеч бири яқка ўзи катта тараққиётга, иқтисодий жиҳатдан муваффақиятга эриша олмайди. Чунки улар гуманитар ва иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Ушбу даврда узоқ вақтдан бери ўрнатилган давлатлараро муносабатлар тизимини қайта қуриш истаги, бозорлар ва ресурслар учун қаттиқ кураш, кучлиларнинг кучсизларга ҳукмронлик қилиш хоҳиши, йирик давлатлар ўз манфаатларини илгари суриши дунёда геосиёсий нотинчликни келтириб чиқармоқда. Шу боис, ҳозирги мураккаб шароитда ҳамкор давлатлар ўзаро боғлиқлик асосида яқин иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ўрнатилмоқда, бу узоқ муддатли режа ва ривожланиш лойиҳаларини бир-бири билан мувофиқлаштириб, минтақавий ҳамжамиятлар ролини биринчи ўринга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ушбу даврда узоқ вақтдан бери ўрнатилган давлатлараро муносабатлар тизимини қайта қуриш истаги, бозорлар ва ресурслар учун қаттиқ кураш, кучлиларнинг кучсизларга ҳукмронлик қилиш хоҳиши, йирик давлатлар ўз манфаатларини илгари суриши дунёда геосиёсий нотинчликни келтириб чиқармоқда. Шу боис, ҳозирги мураккаб шароитда ҳамкор давлатлар ўзаро боғлиқлик асосида яқин иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ўрнатилмоқда, бу узоқ муддатли режа ва ривожланиш лойиҳаларини бир-бири билан мувофиқлаштириб, минтақавий ҳамжамиятлар ролини биринчи ўринга олиб чиқишга хизмат қилади.

Маданий ва гуманитар алоқалар ҳам чуқурлашмоқда. Ушбу жараён давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: бир ўтмиш ва бир келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик

Ўзбекистоннинг янги минтақавий йўналиши минтақа ичидаги муносабатларни ҳақиқатда қайта тиклашга муваффақ бўлди, бу эса Марказий Осиёда янги геосиёсий вазият вужудга келишига олиб келди. Бунда ўзаро ишончни ошириш тенденциялари, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш устуңлик қила бошлади.

Шу тариқа чегара, сув-энергетика каби нозик масалаларни ҳал этишда, бугунги кунда Тошкентни яқин ва ишончли ҳамкор деб биладиган қўшнилар билан ўтган йиллардаги келишмовчилик ва қийинчиликларни бартараф этишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди.

Ўтган етти йилда Ўзбекистон Қозғоистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан давлат чегараларини қўнуний расмийлаштириши амалда яқунлади. Ўзбекистон — Тожикистон ва Ўзбекистон — Қирғизистон чегараларида фуқароларни ўтказиш пунктлари фаолияти тикланди, Тожикистон билан визалар бекор қилинди, 1990-йилларнинг ўрталарида тўхта-тилган темир йўл, ҳаво ва куруқлик алоқалари йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, бугунги кунда Тошкент нафақат Марказий Осиёда ижобий оҳанг ва интеграция йўналишини, балки минтақавий жараёнлар ривожланишининг кейинги динамикасини ҳам белгилаб бермоқда.

Хусусан, сармоявий ҳамкорлик фаоллашди, товарларни экспорт қилиш йўлакларини очилди, савдо, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида салмоқли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бошланди. Шу тариқа минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. Қўшма корхоналар сони 5 баробардан зиёд кўпайди.

Буларнинг барчаси ҳудудни ягона савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация платформасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратди. Хусусан, унинг доирасида саноат кооперацияси лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри иқтисодий ва ишбилармонлик алоқалари кенгайтирилди.

Маданий ва гуманитар алоқалар ҳам чуқурлашмоқда. Ушбу жараён давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 10 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: бир ўтмиш ва бир келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик

ёки совитишга олиб келди. Бундан ташқари, сиёсатшўнослар тилида айтганда, бу салбий тўлқинлар минтақа халқларининг яқинлашувига йўл қўймаслик учун "мафкуравий саботаж"га ўхшар эди.

Бугунги кунда янги Ўзбекистон сайёҳаракатлари туфайли бу борадаги вазият минтақанинг умумий тарихи бўйича нуқтаи назарларнинг яқинлашиши жиҳатидан аста-секин узоқ кутулган ижобий тенденцияга эга бўлмоқда.

Экспертлар таъкидлаганидек, қўшни давлатлар халқларимизни бирлаштириш гоёсига хизмат қиладиган манбаларни бирлаштириш истагини қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир. Қолаверса, бу масала нафақат экспертлар, балки барча даражадаги давлатлараро музокаралар кўн тартибдаги таълим масала ўлароқ, доимий эътиборда бўлишга лойиқдир.

Минтақада ўзаро ишонч ва сиёсий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2022 йил июль ойида Чўлпонотада (Қирғизистон) бўлиб ўтган туртинчи маслаҳат учрашуви алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Маскур тадбирда минтақа давлатлари ташқи раҳбарлари қайтариш, мустақиллик ва ҳудудий яхлитликни сақлашда бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини илҳ бор намоиши эъти, бу жиҳат яқини қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўз ифодасини топди.

Марказий Осиё давлатларининг мустақил тараққиёт муаммоларида яна бир жиҳатни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Гап шундаки, минтақамиз кўп асрлар давомида денгиз йўллари ва жаҳон савдо марказларидан узоқда жойлашган. Минтақани ёпиқ ҳудуддан чиқариб, дунё билан боғлаш минтақавий миқёсда жуда муҳим вазифа бўлган-да, яқин вақтда бу йўналишдаги сайёҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича сезиларли амалий ҳаракатлар йўқ эди.

Бу жараён ҳам Марказий Осиёни Европа, Осиё ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғловчи самарали транспорт-коммуникация инфраструктурининг яратиш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурган Шавкат Мирзиёевнинг келиши билан бошланди.

Келажакда бу борадаги қатор лойиҳаларни амалга ошириш минтақани муҳим транспорт логистикаси марказига айлантириши, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиёнинг бутун геоиқтисодий ландшафтини, ўз навбатида, дунёнинг ушбу улкан қисмида жадал иқтисодий тараққиёт учун катта имкониятлар яратиши мумкин.

Бугун Марказий Осиё дунёда ягона ва яхлит минтақа сифатида танилиб бормоқда. Бундай мақом нафақат бутун минтақанинг геосиёсий ҳолатини мустаҳкамлайди, балки ташқи майдонда умумий минтақавий манфаатларни ҳимоя қилиш учун янада кенг имкониятлар яратди.

Қолаверса, айнан шу тенденцияни ҳисобга олган ҳолда, Россия Федерацияси, Хитой ва АҚШ билан мулоқотда 5+1 форматдаги музокаралар ҳозир давлат раҳбарлари даражасига кўтарилмоқда. Бу, ўз навбатида, сиёсий муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон жуда оғир ривожланиш даврини еңиб, кучли мустақил давлат сифатида тез ривожланаётган иқтисодиётни қурди ва ҳар йили қудратини мустаҳкамлаб борапти. Бу жиҳат биз учун жуда қимматли, чунки бу яқин тарихдаги энг муҳим ва асосий ютуқдир.

Ҳозир жамиятимиз учун ислохотлар суръатини пасайтирмадан, тараққиёт сари олға интилиш, сиёсий тизимимизда янада ошкоралик ва демократияга эришиш учун барча кучларни сафарбар этиш жуда муҳим.

Бу бошланган ислохотларнинг муваффақияти нафақат аҳоли фаровонлиги ўсиши, қашшоқликни тутатиш, ишсизликни қисқартириш, технология қолоқликни еңиб ўтишга, балки минтақавий ва халқаро миқёсда Ўзбекистон, шу жумладан, унинг геосиёсий роли ва геоиқтисодий аҳамиятини қучайтириш бутун келажак истиқболларига боғлиқ.



“ БУГУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДУНЁДА ЯГОНА ВА ЯХЛИТ МИНТАҚА СИФАТИДА ТАНИЛИБ БОРМОҚДА. БУНДАЙ МАҚОМ НАФАҚАТ БУГУН МИНТАҚАНИНГ ГЕОСИЁСИЙ ҲОЛАТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ, БАЛКИ ТАШҚИ МАЙДОНДА УМУМИЙ МИНТАҚАВИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ.




УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Энг муҳими, мамлакат раҳбарияти муаммони ҳал қилиш учун, биринчи навабатда, инсон капитали сифатини ошириш зарурлигини англашини намоён этмоқда. Бугун Ўзбекистонда юқори сифатли инсон капиталини ошириш имконини берувчи соҳаларда кенг қўламли ислохотлар бошланди.

Бу борадаги ислохотлар доирасида мактабга таълим, мактаб, ўрта махсус ва олий таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш ва сифат жиҳатидан яхшилаш кўзда тутилган. Бугунги кунда ушбу режалар амалга ошмоқда. Уқув юртларида илгор дастурлар жорий этилмоқда, малакали мутахассислар ёшларни янги лойиҳалар бўйича ўқитаяпти, ўнлаб нуфузли хоржий университетлар филиаллари очилмоқда.

Саноат ривожланишида мамлакат энг илгор технологияларни жалб қилиш ва улғаштиришга интилади. Айнан шунинг учун ҳам барқарор тараққиётга эришишга қатъий киришган янги Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 2019 йилнинг ноябрь ойидаёқ бир миллион маҳаллий дастурчинини тайёрлаш бўйича ташаббус илгари сурилиб, "One Million Uzbek Coders" лойиҳаси бошланган эди.

Ўзбекистон мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ижобий тенденцияларни олға суриш билан бир вақтда, ана шундай улғувор режаларни амалга оширишга интилаётгани ҳам муҳимдир. Хусусан, биргина жорий йилнинг ўзида сиёсий манзарани ўзгариши ва давлатнинг



BUGUNNING GAPI

СЕНТЯБРЬ: ЯНГИЛИК ВА ЎЗГАРИШЛАР

Кузнинг биринчи ойида ҳаво ҳарорати пасайиши туфайли бошқа ойларга нисбатан ишлар бир оз кўпаяди. Бу биринчи гада кузги қишқик мавсумга тайёргарлик билан боғлиқ, албатта. Айни пайтда жорий йилги сентябрь қонунчилигимизда бўладиган янгилик ва ўзгаришлар билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, сўнгги кунларда ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларида шу борада маълумотлар берилмоқда. Дастлаб, барчани хушёрликка ундовчи янгилик — 1 сентябрдан кўп квартиралли уйлардаги ўзбошимчалик билан қурилган конструкциялар текширилиши ҳақида. Биз бу борада Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига мурожаат қилдик.

Бу тартиб қайси ҳужжат асосида ва нима учун жорий этиляпти?

— Сўнгги вақтларда турли ҳудудларда кузатилаётган кучли zilzilalar ва ер плиталарининг тектоник siljishlari оқибатида юзага келаётган талафотлар мамлакатимизда ҳам сейсмик хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор қаратиш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий қилишни талаб этмоқда, — дейди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси инспектори Шерзод Қаноҳжоев. — Айни шу мақсадда жорий йил 16 май кuni Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Унга қўра, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан биноларнинг таъмир устуларини бузиш ва бошқа конструкцияларга ўзгариш киритиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 17-банди билан инспекцияимиз зиммасига туман (шаҳар) ҳокимликлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб режа-график асосида республиканинг сейсмик фаол зонасида жойлашган сейсмик хавфсизлиги III-IV тоифага кирувчи кўп квартиралли уйларни ўрганиш орқали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларда (зинапола йўлаклар, чердак ва умумий фойдаланиладиган ошхоналарда) ўзбошимчалик билан қурилган конструкцияларни ҳамда кўп квартиралли уйлар, шу жумладан, уларнинг ертўла ва биринчи қаватидаги



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

zilzilabardoshlikka taъsir qiluvchi konstruktsiyalarga kiritilgan oъzgartirishlarni aniqlash hamda bunday holatlar aniqlanganda qonunchilikka muvofiq choralar kўriش vazifasi yuklatiladi. Yaъni mana shunday holatga iуl kўyilisa, хўкукбузарга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 159-моддаси 3-қисми билан маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Аниқланган ўзбошимча ҳолатларни содир этган шахс ёки жавобгарга ихтиёрий равишда уни бартараф этиб, аввалги ҳолатига қайтариш юзасидан мажбурий қўрсатма берилди. Ушбу қўрсатма талаблари бажарилмаган тақдирда мажбурий тартибда бартараф этиш ва аввалги ҳолатига қайтариш юзасидан тегишли суд органларига материаллар тақдим этиб борилади.

Сейсмик фаол зонада жойлашган ва сейсмик хавфсизлиги III-IV тоифага кирувчи, деганда нима тушунилади?

“Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига биноан сейсмик хавфсизлиги таъминланган объектлар аҳамиятига қўра, қуйидаги 4 та тоифаларга бўлинади:

I тоифа — хавфлилик омили паст бўлган объектлар;

II тоифа — хавфлилик омили ўртача бўлган объектлар;

III тоифа — хавфлилик омили юқори бўлган объектлар;

IV тоифа — хавфлилик омили жуда юқори бўлган объектлар.

(Сейсмик хавфсизлиги таъминланган объектларнинг тоифаларига қўра, рўйхати ушбу қонун иловасига мувофиқ белгиланган).

Демак, III тоифага хавфлилик омили юқори бўлган объектлар ўрта қаватли уйлар ва меҳмонхоналар (3 қаватдан 5 қаватгача) ва кўп қаватли уйлар ва меҳмонхоналар (5 қаватдан 12 қаватгача) кирди.

IV тоифа сифатида эса кўп қаватли уйлар ва меҳмонхоналарнинг, шунингдек, бошқа мақсадга мўлжалланган бинолар (12 қаватдан юқори) белгиланган.

Юқоридаги қарор билан юклатилган топшириқ ижросини таъминлашда тасдиқланган режа-график асосида 5 қаватдан юқори бўлган кўп квартиралли уйлар ўрганилса-да, қават кўп квартиралли уйлардаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ҳам қонунчиликка мувофиқ тегишли чоралар кўриб борилади.

Қандай чора кўрилади?

Ўзбекистон Республикаси кўп квартиралли уйларни сақлаш ва фойдаланиш ҳамда қурилиш ишларини тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ, кўп квартиралли уйларда ўзбошимчалик билан реконструкция қилиш, қайта режалаштириш, ўзгариш ёки қурилма қуришга нисбатан тегишли чоралар белгиланган. Хусусан, бундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Яъни жисмоний шахслар базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 20 баробаридан 30 баробаригача, мансабдор шахслар 30 баробаридан 50 баробаригача жаримага тортилади. Шу билан бирга, ўзбошимча ҳолатни ўз ҳисобидан бузиб ёки бартараф этиб, аввалги ҳолатига қайтариши зарур. Агар,

хўкукбузар мажбурий қўрсатма талабини бажармаса, тегишли судларга даъво аризаси киритилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси томонидан 2022 йилда 3 миңдан ортиқ хўкукбузарга нисбатан тегишли маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, 7 миңлиқ сўмдан зиёд жарималар белгиланган бўлса, жорий йилнинг 8 ойида 2 миңга яқин хўкукбузарга 4 миңлиқ сўмлик жарималар белгиланган ҳамда аниқланган оқонуний ҳолатларни бартараф этиш юзасидан берилган мажбурий қўрсатмаларга асосан, 7 миңдан зиёд ҳолат ихтиёрий равишда бартараф этилган. Қолган ҳолатлар юзасидан мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича тегишли судларга даъво аризалари киритиб борилмоқда.

Яна айрим янгиликлар ҳақида

Сентябрдан барча таълим муассасаларида ўқиш бошланади. Ушбу жараёнга масъул ташкилотлар қатори оилаларда ҳам катта тайёргарлик кўрилади. Шунга мос равишда 1 сентябрдан болалар учун музейга кириш bepул қилиб белгиланди.



Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига жумладан, қўрғазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этилмоқда. Бу ёш авлоднинг маънавияти ва билим савиясини оширишга рағбатлантиради.

Таълимга оид яна бир янгилик — 1 сентябрдан юридик йўналишдаги ОТИМ-лари талабалари ишлашига рухсат берилди. Президент фармони билан битирувчи курсдаги юридик олий таълим муассасалари талабалари жорий йилнинг 1 сентябидан ўқишдан бoш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлашлари мумкин. Бундан қутилиётган мақсад адвокатура соҳасига ёш кадрларни фoл



жалб қилиш ва уларнинг билим ҳамда кўникмаларини бойитишдир.

Шунингдек, 1 сентябрдан хўкукбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлиналари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш орқали уларнинг соҳада самарали хизмат олиб боришига шахсий масъулият оширилади. Бунда Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган дастур асосида ходимлар ҳар уч йилда бир марта ўқитилиб, махсус сирновдан ўтказилади. Синовларни муваффақиятли топширган ходимларга келгусида ушбу соҳада хизмат қилиш ҳуқуқини таъминлайдиган сертификат берилди.

Бу амалиёт тизимда малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётганини аниқлатади.

Мамлакатимизда инсон тўқис ҳаёт кечирishiга қаратилаётган ислохотлар қўлама катта-кичик саяё-ҳаракатларда ўз аксини топмоқда. Ногиронлиги бор шахслар учун протез-ортопедия воситаларини олиш жараёни енгиллаштирилаётгани бунга бир мисол. Гап шундаки, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда улардан тиббий ҳулоса талаб қилиш бекор қилинади.

Маълумот учун айтиш жоизки, 2022-2026 йилларда аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш режалаштирилган. Мазкур жараён ана шу мақсад йўлидаги қадамлардан биридир.



Бундан ташқари, 2023 йил 1 сентябрдан эътиборан коммунал соҳадаги хўкукбузарликлар ҳақида хабар берилган рағбатлантирилади.

Аҳоли томонидан Энергетика вазирлигининг интернетдаги махсус ахборот тизимига қўрилган электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ хўкукбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Бунда хўкукбузарликлар тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахслар пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Шунингдек, хўкукбузарлик тўғрисидаги фотосурат ва (ёки) видеоёзувлардаги хўкукбузарларнинг шахсини аниқлаш Энергетика вазирлигининг ҳудудий органлари сўровига асосан, ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Айтиб ўтганимиздек, сентябрь қундалик ҳаётимизга, мамлакатимиз ривожига дахлдор бир қатор янгиликлар билан бошланмоқда. Демак, ўзгаришлардан нафат хабардор бўлинг, балки уларнинг ижроси таъмирланганига ҳам берафқ қараманг. Шунда қутилган натижаларга эришилади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

РАҚАМЛАШТИРИШ

СОДАЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

Пенсияга чиқувчиларни кўплаб оворагарчиликдан қутқарди



Кекса авлод вакилларида пенсияга чиқишда сарсонгарчиликларга учрагани ҳақидаги кечинмаларини кўп эшитганмиз. Яқин йилларгача ҳам бундай жараёнда фуқаро меҳнат фаолияти давомида нечта ташкилотда ишлаган бўлса, ҳаммасидан қанча муддат ишлагани, қанча мош олгани тўғрисида маълумотнома йиғиши керак бўларди. 20 йилдан ортиқ вақтда, масалан, ўнга яқин ташкилотда ишлаган, ёши олтишини қоралаган инсон учун бундай югур-югурлар қанча вақт, ташвиш келтиришини тасаввур қилиб кўраверинг. Бу вақтда айрим ташкилотларнинг “ёпилиб” кетгани “дард устига чипқон” бўлгани тайин. Боси, бу каби ҳолатларда нафақа ёшидаги одамнинг сарғайиши керак бўлган эшиклар сафига суд ҳам қўшилар эди.

Маълумотларга қўра, тизимда рақамлаштириш ишлари амалга оширилмагунча айни жараёнда 14 та ташкилотдан 30 турдаги маълумот йиғиш талаб этилган. Бу учун қанчада икки ой вақт кетган. 2022 йил 1 июлдан бошлаб меҳнат стажи, иш ҳақи, олийгоҳда ўқигани ва харбий хизмат даври ҳақидаги маълумотлар Пенсия жамгармасининг дастурий таъминоти билан боғланган ҳолда “Ягона меҳнат миллий тизими” (ЯММТ)да сақланадиган бўлди.

Бундай қулайликлар қилинган кейсида, меҳнат лаёқатини йўқотганда янада қадри бўлади, албатта. Давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомил-

лаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар инсонпарварлик гоёяси билан алоҳида ажралиб туради.

— Бугун ҳар битта тизим ҳалқимиз манфаатлари кўзланган ҳолда, замон талаблари асосида такомиллаштириб боришмоқда, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси бўлим бошлиғи Нозимжон Жўраев. — Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 294,7 миң нафар фуқарога пенсия (нафақа) тайинланганили, рўйхатда туриши ҳамда миқдори тўғрисида маълумотномалар электрон шаклда тақдим этилди. Қолаверса, 23,1 миң нафар фуқарога нафақалар Пенсия жамгармасига мурожаат этмасдан “проактив”

усулда тайинланди. Мурожаатсиз пенсия тайинлаш тизими узок йил меҳнат қилиб, пенсия ёшига етган фуқарога автоматик нафақа тайинлашни кўзда тутди. Январ-июнь ойлари давомида 31,8 миң нафар фуқарога 5 турдаги нафақалар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат этиш орқали тайинланди. Бу ҳам катта қулайлик.

Ҳозир кўплаб хизматлар рақамлаштирилган. Электронлаштириш фуқароларнинг идораларга шаҳсан боришини бартараф этиб, тизимда инсон омилини камайтириб, шаффофлигини таъминламоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2023 йил 1 январдан бошлаб фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш фақат биргина паспорт ёки идентификация ID-картаси орқали тайинлаш тизими жорий этилди. Давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ электрон маълумотлари асосида амалга оширилади. Вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилиниб, электрон ахборот алмашинув тизими жорий этилгани мана шундай қулайлик туҳфа этмоқда.

“Семиз” файлда керак бўлмади

— Авваллари ўзимиздан ёши катталарнинг пенсияга чиқиши билан боғлиқ ҳижоаларини эшитиб, очилга, хавотирланардик, — дейди Чилонзор туманида яшовчи Рустам Ёқубов. — Меҳнат фаолиятим давомида кўплаб ташкилотларда ишлаганман. Буларнинг ҳаммасидан ҳужжат йиғиш, югур-югурлар ҳақида уйласам, бу жараён қанчалар қийинлигини тасаввур қилардим. Яқинда нафақага чиқдим. Ҳаммаси автоматлаштирилибди. Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракат қилар экан. Қолаверса, маълумотномалар жамланган “Семиз” файлининг кераги ҳам бўлмади. Биргина паспортнинг ўзи етарли экан.

Шунингдек, “Хўжжатлар-телефонда” тамойили асосида пенсия гувоҳнома-сини мобил иловага ўтказиш ва уни QR-код орқали ҳам идентификациялаш йўлга қўйилган. Шундай қулайликлар, имкониятлар сабаб ёши улўғ ҳамюртларимиз бугунги ҳаётдан рози ва миннатдор бўлиб яшамоқда, улар юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлигини сўраб дуога қўл очди. Шу билан бирга, пиру бадавлат отахон-онахонларимиз бугунги ҳаётбахш ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш ҳаракатида.

Яна бир гап. Пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни аҳолига етказиб бериш ҳар 3 йилда бир марта ҳудудларда алоҳида тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот томонидан амалга оширилади. Агар тендер натижаларига қўра, танлаб олинган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот томонидан фуқароларга пенсия ва нафақаларни етказишда кечикиши ёки тартиб бузилиш ҳолатларига йўл қўйилса, жарима тўлаш тартиби жорий этилган. Қолаверса, фуқаролар томонидан тўлов операторларининг фаолиятини баҳолаб бориш имконияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу каби ишлар тизимнинг шаффофлигини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида қўра, жорий йил 1 январдан бошлаб пенсия ҳисоблашда инобатта олинандиган ўртача иш ҳақи миқдори оширилди.

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори чегараси пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробарига оширилди. Қувонарлиси, пенсия тайинлашда ҳисобга олинган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 3 миллион 240 миң сўмдан юқори бўлган пенсияонерларнинг нафақалари автоматик тарзда қайта ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Фуқароларнинг пенсия жамгармасига мурожаат этишига эса зарурат қолмади. Нафақаси ошадиган фуқароларга олдиндан СМС хабар юборилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Айтиш жоиз, ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун инсон омилисиз оила ва фуқаронинг муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган ҳамда назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини юри-тадиган автоматлашган ахборот тизими йўлга қўйилгани ҳам катта енгиллик. Бу билан кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам бериш жараёни тўдан соддалашди.

Реал вақт режимида 53 турдаги маълумотлар алмашуви йўлга қўйилган

Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олиш учун фуқаро фақатгина ўз паспорти билан мурожаат этади. Оиланинг зарур маълумотлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларида электрон тарзда олинади. Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор эса инсон омилисиз ахборот тизими томонидан қабул қилиниб, АМС-бериувчининг телефонида тегишли СМС-хабарнома юборилади.

— 2023 йил январь-июнь ойларида 2,6 миллион нафардан ортиқ оиланинг ижтимоий болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги аризалари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими киритилиб, автоматик тарзда кўриб чиқилди, — дейди Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Маҳмуд Раззоқов. — 50 фоиздан ортиқ оилалар нафақа ва моддий ёрдам тайинланди. Белгиланган мезонларга тўғри келмаган оилаларнинг аризаси эса рад этилди. Бугунги кунда тизим вазирлик ва идораларга реал вақт режимида 53 турда-

ги маълумотлар алмашувини амалга ошириш ишлари учун инсон омилисиз оила ва фуқаронинг муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган ҳамда назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини юри-тадиган автоматлашган ахборот тизими йўлга қўйилгани ҳам катта енгиллик. Бу билан кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам бериш жараёни тўдан соддалашди.

Аҳолини қувонтирадигани ҳам шу: ахборот тизими нафақат ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллигини ошириш, балки аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қисқа муддатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг самарали воситасига айланиб борапти.

Пенсия таъминоти тизимини яна бир қулайлик амал қилмоқда. Агар фуқаролар мазкур маблағни олиши керак бўлган вақт дам олиш кунларига тўғри келса, тўловлар олдиндан амалга оширилади. Хусусан, пенсия ва нафақа тўловларини нақд пулсиз (банк карта) шаклда олувчи фуқароларнинг жорий йил сентябрь ойи учун пенсия ва нафақалари 29-31 август кунлари уларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилди. Тизимда рақамлаштириш доирасининг кенгайиб бориши миллионлаб одамларнинг оғирини енгил, рўзгорини бут қилмоқда. Юртимизда ҳар йили 300 миңга яқин фуқарога пенсия тайинланади. 2023 йил 1 июль ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 4 миллион 470 миң нафарга етиб, аҳоли сонидаги улуши 12,2 фоизни ташкил қилди. Демак, тизимда жорий этилаётган енгилликлар шунча одамнинг оғирини енгил қилади.

Феруза ЖўРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МУНОСАБАТ

МЎЖИЗА ЯРАТУВЧИЛАРГА ПАХТА ТЕРДИРГАНДИК

ЭНДИ УЛАРНИНГ ОБРЎСИНИ ТИКЛАШ ВА КЎТАРИШ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Гофуржон МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон фан арбоби,
кимё фанлари доктори, профессор



Кунни кеча Президентимиз раислигида мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ушбу масаланинг янги ўқув йили олдидан кун тартибига олиб чиқилгани ҳаётий зарурат бўлиб, юрт келажаги, жамият раванга ва халқ фаровонлиги каби стратегик аҳамиятга эга мақсадларга чамбарчас боғлиқ.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда кенг қамровли ислохотларнинг ёшлар сисъати, таълим-тарбия йўналишлари "Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади" эзу гоёси асосига қурилмақда. Дарҳақиқат, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллилатни буюк қиладиган куч ҳам, аслида, илм-фан, таълим ва тарбиядир. Ушбу омилларсиз тараққиёт этган, раванг топан ва фаровонликка эришган жамиятни топиб бўлмайди. Бу кундай равшан масала. Аммо муайян жамиятда таълим-тарбиянинг замон талабларига мослашувчан тараққиёт моделини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этишнинг мақбул механизми йўлга қўйилиши, мавжуд тизимни такомиллаштиришнинг қаратилган усул ва йўллари тақдир қилиш ҳар бир жамият учун мушкул муаммодир. Чунки таълим-тарбия миллий менталитет, миллилатнинг умумий савияси, фуқароларнинг ватанпарварлик руҳияти, давлатнинг таълим сисъати ва бошқа кўплаб омиллар билан боғлиқ. Шу сабабли жаҳон таълимисининг савияси ўтган ва илгир таълим моделларининг муқобилини бошқа жамиятда йўлга қўйиб бўлмайди. Мана шу жиҳат билан ҳам таълим-тарбия тушунчаларини миллийликдан айро тасаввур этиш имконсиз. Таълим-тарбия миллий заминда бўлиб кўрсатилган ва умуминсоний қадрият ҳамда анъаналарни, халқро таърибларини ижодий ўзлаштириш асосида тараққиёт этади.

Таълим соҳасида ривожланган давлатлар таълим сисъатини келиб чиққан ҳолда рақобат муҳити яратилгани Ўзбекистоннинг илгир давлатлар сафидан муносиб ўрин олишига, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратилганга хизмат қилади. Дунё таълим сисъатининг қўрсаткичи, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради. Ўзимизга савол берайлик: ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор тўғрисида эмасми? Шунинг учун кейинги йилларда ҳар томонлама тараққиёт этиши, янги Ўзбекистон жамиятини барпо қилиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмақда.

Шубҳасиз, миллий тараққиёт, ўзликни англаш, дунёга чиқиш ҳеч қачон ва ҳеч ерда силлиқ кечмаган. Бунинг боиси, дунё йўллари, бозор ва минбарлари алпақачон бўлиб олинган. Дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун амалий ҳаракатларнинг ўзи камлик қилади. Энди илм-фанни ривожлантириш ва технологиялар ишлаб чиқариш, интеллектни ошириш билангина кучли



рақобатга бардош бериш мумкин. Бу эса таълимга, ўқитувчи шахсига нисбатан юксак эътиборни талаб қилади. Бу борада Сингапур, Япония, Жанубий Корея, Германия таълимисини ўзлаштириш ҳаётингизга ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, гоёт оғир шароитда йирк давлат таркибидан ажралиб чиққан Сингапурнинг қисқа вақтда иқтисодий бақувват, коррупциядан холи, бугун ҳам шитоб билан ривожланиётган мамлакатга айланишида айнан таълимга йўналтирилган сармоя ягона омил сифатида эътироф этилади. Ушбу мамлакатга ўзқ йиллар бошчилиқ қилган машҳур давлат арбоби Ли Куан Юдан қисқа вақтда Сингапур қандай қилиб дунёнинг ривожланган мамлакатига айлангани ҳақида сўралганда, "Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ, мўжиза яратганим ҳам йўқ. Шунчаки Ватаним олдидан бурчимни бажардим, холос.

Ишни шундай ташкил қилдимки, давлат бюджетининг катта қисмини таълим соҳасига йўналтирдим. Муаллимлар мавқеини жамиятнинг қуйи табақасидан юқори мартабага кўтардим. Бизда мўжиза яратган кишилар, шубҳасиз, муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнатни севадиган, ҳақиқатни қадрлайдиган янги ватанпарвар, айни чоғда қатмарин авлодни тарбиялаб етиштирдилар", деб жавоб берган эди.

Мамлакатимизда ҳам таълим тизимини комплекс ривожлантириш, модернизациялаш, соҳани мазмун ва шакл жиҳатдан замонавий талабларга мослаштириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Бунинг натижасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, алоҳида қўбияти бор ўқувчиларнинг иқтидорига мос ўқитиш шакли ва мазмунини ўзига акс эттирган Президент таълим муассасалари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган ўқув масканлари тармоғи кенгайтирилди. Улар учун янги дарслиқлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Сифатга эътибор қаратилган янги миллий ўқув дастури қабул қилинди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шарафтини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълимда ҳам қарор 4 баробар оширилиб, ёшлар учун имконият кенгайтирилди.

Айни пайтда таълим тизимида, хусусан, мактаб таълими соҳасида ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам талайгина. Йиғилишда бу борада қатор муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Ху-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

сусан, бугун бошланғич синфларда 11 та, юқори синфларда 16 та фан ўтилади. Лекин ўқувчилар аниқ бир йўналишда чуқур билимга эга бўлмай, мактабни битирапти. Утган йили 220 минг муаллимдан 86 минг нафари ёки 37 фоизнинг билим ва кўникмаси "қонқарсиз" баҳоланган. Бу ҳол, айниқса, ҳозир талаб юқори бўлган информатика, инглиз тили, физика, математика ва кимё фани ўқитувчиларида кузатилгани ташвишли. Охириги олти ярим йилда юртимизда 320 минг хонадонли янги уй-жойлар барпо этилгани ҳолда уларга мос қувватда мактаблар қурилмаган. Янги массив ва маҳалларда ҳозирнинг ўзида 350 минг ўринли мактабларга талаб бор. Мавжуд мактаблар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар кўп.

Ушбу муаммолар мактаб таълимини ривожлантириш билан боғлиқ жиддий масалалар бўлиб, уларни ҳал этиш ўқитиш соҳасидаги ислохотларнинг жойлардаги ижросига бевосита боғлиқ. Мазкур муаммолар мавжудлиги ижро этувчи ҳокимият, шунингдек, таълимни бошқарувчи мутасадди ташкилотлар, педагогик олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган соҳа вакиллари олдига масъулиятли вазифалар қўяди. Бу умумий маънода бир неча йўналишни қамраб олади. Мактаб таълимининг ўқув мазмунини оптималлаштириш, педагогларнинг касбий компетенциясини ошириш, ўқитувчилик касбига саралаш жараёнини, муаллимларнинг ўз устиди ишлашнинг тақозо этадиган амалий механизملарни такомиллаштириш, мавжуд мактаблар инфратузилмасини яхшилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича давлат дастурларига тақлифлар киритиш шул ҳужумасидан.

Йиғилишда миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда мактаб таълимини ривожлантириш ва педагогик таълимни такомиллаштириш билан боғлиқ соҳа учун стратегик аҳамиятга эга қатор ташаббуслар илгари сурилди. Уларни умумий маънода қўйиладиган таснифлаш мумкин: биринчидан, ўқув жараёнига Президент таълим муассасалари ва ихтисослашган мактаблар ўқув дастури ҳамда баҳолаш тизимини жорий этиш;

иккинчидан, янги тизимни самарали қўллаган ўқитувчиларни қўшимча моддий рағбатлантириш; учинчидан, мактабларга тақлиф этилган ҳо-рижлик ўқитувчилар сонини ошириш; тўртинчидан, ўқувчиларга фанларни танлаш имкониятини бериш ҳисобига юқори синфларда ўқитиладиган фанлар сонини камайтириш; бешинчидан, касб-хўнар эгаллаш истагидаги ўқувчиларга мактабнинг ўзида тайёр мутахассис бўлиб етишиш имкониятини яратиш; олтинчидан, мактаб таълими мазмунини замон талабига мослаштириш, хусусан, компьютер ва молиявий саводхонлик дарсларини жорий этиш;

еттинчидан, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, малакасини ошириш ва уларга тоифа бериш тизимини такомиллаштириш; саккизинчидан, мактабларда кадрлар етиш-мовчилиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чораларини кучайтириш; тўққизинчидан, мактаб таълимида бошқарув тизимини янгилаш; ўнинчидан, ўқувчи ўрнини кўпайтириш, бу борада хусусий секторни қўллаб-қувватлаш;

ўн биринчидан, ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳоказо.

Ушбу ташаббуслар мактаб ва педагогик таълимни такомиллаштириш, уни мазмун ва шакл жиҳатдан янги бошқарув олиб чиқиш имкония-тини яратди. Чунки улар мактаб таълими билан боғлиқ барча жиҳатни ўзига жамлаган ва улар соҳани комплекс ривожлантиришни назарда тутди. Тошкент ва Чирчиқдаги педагогика университ-тетлари педагогика йўналишидаги институтлар учун таянч олийгоҳ сифатида белгилангани, уларда мутахассислар Президент мактаблари дастури асосида тайёрланиши олий таълим муассасалари олдига янги вазифалар қўяди. Президент мактаблари дастури асосида меъёрий ҳужжатларни янгилаш, педагогика ОТМ-лари учун намунавий фан дастурлари ишлаб чиқиш, педагогик таълимга самарали янги ёндашув ва технологияларни жорий этиш шул ҳужумасидан. Мазкур вазифалар ижросини таъ-минлаш педагогика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан ишга ижодий ёнда-шиш, илгор ҳорижий таърибани ўзлаштириш, самарадорлиги далилланган миллий таърибани оммалаштириш, касбий масъулият ва ижод-корликни ошириш талаб қилинади.

Муаммони бартараф этиш ҳар доим унинг сабабини тўғри аниқлашдан бошланади. Таълим тизимидаги муаммоларнинг бош сабаби ҳам яқин

йилларга қадар ёшларнинг таълимига масъул соҳа вакилларининг жамиятдаги обрў-эътибори борасида сўз ва амалнинг мос келмаслигида эди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Халқимиз мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолди, уларни ўзларига мутлоқ алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш билан боғлиқ салбий ҳолатларни ҳам кўрди. Бундай ноқўй ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига муносабатига ҳам салбий таъ-сир кўрсатди. Қанчадан-қанча таърибали ўқитув-чилар севган касбинини ноилж ташлаб кетганини яқши биламиз.

Айни пайтда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийлар ҳурмат-эътибори Конституция дара-жасида мустаҳкамланди. Бу, биринчи навбатда, педагогларни, қолаверса, халқимизни қувонтир-ди. Чунки фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодий тармоқлари шунча тез ри-вожланади, қўллаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони тугилди. Бу эса "Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади" деган фикрлар тўғри эканини кўрсатади.

Ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ҳурмат-эътиборини кўтариш маса-ласи бу гал ҳам алоҳида таъкидланди. Бир пайтлар жамиятимизда ҳурмати жуда баян-даржада қўрилган муаллимларнинг бугунги нуфузи пасайиши билан боғлиқ вазиятга ўта салбий баҳо берилди. Ўқитувчи, мураббийга ҳурмат борасида халқимиз орасида шакллан-ган ва бугунги аҳборот технологиялари замон-ида бир оз унутилаётган миллий қадрият ва урф-одатларимизга қайтиш зарурлиги ўқти-рилди. Модомики, жамиятимизни тараққиёт эти-риш, глобаллашув шароитида уни ёт гоёлар таъсиридан ихоталаш, фан ва технологиялар соҳасида илгор мамлакатлар қаторида бўлиш-ни мақсад қилган эканмиз, бунинг учун жа-миятда ўқитувчи-мураббийнинг мавқеини тик-лашимиз, мактаб таълимини шакл ва мазмун жиҳатидан замонавий талабларга мослашти-ришимиз шарт.



КУН МАВЗУСИ

Янги ўқув йили бошланишига оз қолди. Ҳўш, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги 2023/2024 ўқув йилига қандай тайёрларлик кўрди? Қанча мактаб барпо этилди, бу йил қанча ўқувчи қамраб олинмоқда? Дарслиқлар мазмун-моҳиятида, шунингдек, тайёрланишида қандай ўзгаришлар бўлди? Умуман, таълим соҳасидаги ислохотлар самараси бугун нималарда кўриняпти?

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИ?

Сўз навбати – вазирлик масъулларига!

Кунни кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги устувор вазифаларга эътибор қаратилди. Бу эса таълимни ислох қилиш, мактаб инфратузилмасини такомиллаштириш, ўқитувчилик касбининг мавқеи ва таълим сифатини оши-риш кун тартибидангина масала эканига яна бир ишорадир. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжал-ланган тараққиёт стратегиясидаги тўртинчи устувор йўналишининг айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас. Таълим сифатини ошириш борасидаги бугунги ишлар келажа-гимизни белгилайди. Шу боис, стратегияда белгиланган "мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш, янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини ошириш-ни назарда тутувчи миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" вазифаларини ҳаётга таъбиқ этишдаги қадамлар заллари қай даражадалиги биз учун қизиқ.

Қувватига нисбатан ўқувчилар сонини кўпайти-ретган мактаблар ва янги барпо этилаётган массивларда янги мактаблар, ўқувчилар сонини кескин ўсиши қўллаётган мактабларга қўшимча ўқув биноларини қуриш (ҳудудда-ги мактаб ёшидаги болалар сонининг демографик ўси-шини ҳисобга олган ҳолда), шунингдек, мактаб филиал-ларини тўлақонли мактабларга айлантириш бугун муҳим ишлардан.

Бу йил Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизи-мидаги 318 та умумтаълим мактабиде қурилиш-таъмир-лаш ҳамда жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда. Аксарияти янги ўқув йилигача, қолгани йил якунигача фойдаланишга топширилади. Вазирликнинг инфратузилмани ривожлан-тириш ва биноларни эксплуатация қилиш бўлими бошли-ги Нуриддин Пардаевнинг маълум қилишича, шу мақсад-да давлат бюджетидан 1,8 триллион сўмдан ортиқ маблаг йўналтирилди. Бунинг натижасида жорий ўқув йилида 85 мингдан ортиқ янги ўқувчи ўрни очилмоқда, 46 та спорт зали қуриляпти. Бугунга қадар бюртмачилар 22 та умум-таълим мактаби фойдаланишга топширилди.

— Илгари 960 ўринли мактабда 1 минг 976 бола ўқи-ган. Ҳар бир синфхонада 35 ўқувчи икки сменада таҳсил оларди. Утган йили мактабимиз капитал таъмирланди, қўшимча бино қурилди. 2022 йилнинг 20 октябрдан бошлаб янги бинодо ўқишни бошладик. Қўшимча бино янги синфлар очиб имкониятини берди. Айни пайтда 2 минг 490 ўқувчи ёруғ ва шинам хоналарда билим олмақ-да, — дейди Юнусобод туманидаги 5-мактаб директори Наргиза Ҳидоятлова. — Мактабимизда ҳамма шароит бор. Иккита Steam лабораторияда болалар машғулот ўтади. Ҳар бир ўқитувчи компьютер билан таъминлан-ган. Мактабда 5 та компьютер хонаси мавжуд, ҳар би-рида 20 тадан компьютер жойлаштирилган. Ўқувчилар аҳборот технологиялари сабогини шу ерда олади. 200 ўринли анжуманлар зали ҳам замонавий жиҳозланган. Бу таълим сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти. Юқори синф ўқувчилари вариатив ўқув режалари асоси-да таълим олаётди.

Юқорибў — Урганч туманининг чека қишлоқла-ридан. Ҳудуддаги 28-мактаб 72 ўринга мўлжалланган бўлса-да, 167 ўқувчи икки сменада таълим оларди. Тор ва кичик хоналардаги қатор ноқулайликлар дарс сифа-тига ҳам таъсир кўрсатди. Утган йили давлат дастури доирасида қишлоқдаги бўш майдонда мактабнинг янги



биноси барпо этилди. Икки қаватли, замонавий иморат-да ўқувчилар бир сменада ўқитиш учун барча шароит яратилди. Мактаб директори Ҳамза Ҳакимовнинг айти-шича, бундан ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам хурсанд. Замонавий жиҳозланган мактаб биноси қишлоқ кўрмига айланган.

— Бундай ўзгаришларни ҳар қадамда учратимиз мумкин, — дейди Нуриддин Пардаев. — Сўнгги йиллар-да юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди, мавжуд-лари таъмирланди. Мактаблар юкласини камайтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Шундай бўл-са-да, бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Айниқса, ўқувчи ўрнини кўпайтириш долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун келгуси йилда инвестиция дасту-ри доирасида мактаб қурилишига 3 триллион сўм аж-ратилиши назарда тутилган. Бунинг ҳисобига 150 минг янги ўқувчи ўрни яратилади. Кам қувватда ишлаётган 61 та коллеж биносида мактаблар ташкил қилинади. Ху-сусий шериклик асосида 50 та мактаб қурилади. Хусусий секторга қўшимча шароитлар яратиш орқали йилига ка-мида 25 минг ўқувчи ўрни очилади.



Ўқув дастури ва дарслиқлар замон талабига мосми?

Бошланғич таълимнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига ортиқча тўхталиш шарт эмас. Бу ёшда бола учун янги олам бўлмиш мактаб даври, билим олиш бош-қичи бошланади. Айнан шу паллада мактабга нисбатан меҳрини қозониш, таълимга қизиқтира олиш ўқувчининг келгусидаги муваффақиятлари учун асос бўлади. Дарс-ликларнинг гоёйи, тарбиявий ва маърифий савиясига жиддий ёндашиш бу масалага муносиб ечим.

Бу йил 1-4-синфлар учун янги яратилган замона-вий дарслиқлар 4К моделига асосланган инновацион ёндашувни тақдим этади. Ушбу методология болалар-нинг ҳар томонлама ривожланишига қаратилган. Ху-сусан, ўқувчиларнинг танқидий фикрлаши, мустақил фикрини эркин баён эта олишига кўпроқ аҳамият бе-рилади.

— Бошланғич синфлар учун 775 номдаги дарслик ва ўқув-методик адабиётлар 72 миллион ҳушханда чоп этил-моқда, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазир-лиги Ўқув жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш ва дарслиқлар бошқармаси бошлиғи Дилшода Норбоева. — Айни пайтда 231,5 минг нуска немис тили машқ даф-траи чоп этилди. USAID ва RTI халқро ташкилотлари-нинг "Ўзбекистон Баркамоллик учун таълим дастури" доирасида Кембриж нашриётининг 5–11-синфлар учун информатика ва аҳборот технологиялари дарслиқлари рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тиллари-га таржима қилиниб, нашрга тайёрланмоқда. Француз тили ўқитиладиган умумий ўрта таълим мактаблари-га француз тили дарслиқларини тўғридан-тўғри етказиб бериш бўйича Франциянинг Didier FLE нашриёти билан шартнома имзоланди. Унга мувофиқ, "Passe-Passe" дарслик мажмуалари 1-4-синфларга, "Decibel" дарслик мажмуалари 5-9-синфларга ҳамда "L'ateliyer" дарслик мажмуалари 10-11-синфларга етказиб берилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб 1-4-синфларда бошлан-ғич, 5–9-синфларда таянч ҳамда 10-11-синфларда ўли-қизларнинг қизиқиши ва қўбиятига мос билим беришга йўналтирилган таълим жараёни, билимини баҳолашнинг янги тартиби жорий этилиши қўзда тутилган. Унга қура, ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мазмуни амалиётда қўл-лай билиши, танқидий фикрлаши ва берилган материал-ни таҳлил қила олиши каби кўникмаларни баҳолайди. Энди дарслиқларнинг беғул фойдаланишига берилиши ҳамда барча дарслиқлар давлат бюджети маблаглари ҳисобидан харид қилиниши муносабати билан бюджет-дан ташқари республика мақсадли китоб жамғармаси фаолияти тугатилади.

Бу йил мактаблар қанча ўқувчини бағрига олади?

Янги ўқув йилида мамлакатимиз бўйича 732 мингдан ортиқ болани 1-синфга қабул қилиш режалаштирилган. Умумтаълим мактабларининг 1-синфга қабул жараёни 20 июндан бошланган. Жорий йилнинг 23 август ҳолати-га қура, 680 мингдан (93 фоиз) ортиқ ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинди.

— Ота-оналарга қўлайлик яратиш учун 43 та туман ва шаҳарда 1-синфга қабул жараёни онлайн шаклда, яъни вазирликнинг электрон хизматлар портали (my.maktab.uz) ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали йўлга қўйилди, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим таш-килотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Эркин Муродов.

2023/2024 ўқув йилида 1-синфга қабул қилиниши ре-жалаштирилган 732 минг 960 бола учун вазирлик ҳузу-ридаги "Таъминот ва логистика хизмати" ДУК томонидан "Президент совғаси" харид қилиниб, умумтаълим мак-табларида етказилмоқда.

"Президент совғаси" жамланмасида 12 номдаги ўқув қуроллари мавжуд. Расм дафтраи, елим, рунча, ақварель бўёқ, оддий қалам, дафтра, рангли қалам, қаламдон, ўчирғич, рангли қоғоз, пластилин, портфель каби ўқув қуроллари ўғил-қизларга қувонч улашиб, билим олишга рағбатини кучайтиради.

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

МИЛЛИЙ ТАРИХНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ОСОН КЕЧМАГАН...

ОҚЛАНГАНЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ТУРКИСТОНДАГИ ЖАДИДЧИЛИК НАМОЯНДАЛАРИДИР

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан унинг маънавий ҳаётида янги — ўғониш, ўзликни англаш даври бошланди. Аввалги маъмурий буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган тарихни сохталаштириш, нотўғри талқин этишга барҳам берилди. Миллий мафкурамизнинг асоси бўлмиш миллий тарихни қайта тиклаш имконияти туғилди. Табиийки, бу жараён осон кечмади...

**НКВД қамоқхонаси музейга
айлантирилди**

Бу борада қилинган энг хайрли ва савобли ишлардан бири совет ҳокимияти йилларида "халқ душмани", "аксиклиқчи", "миллатчи", "кулоқ" сифатида қатағон этилган қурбонларимизнинг пок номлари оқлаши бўлди. Тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш буйича ишлар, энг аввало, хуррият йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштиришга қаратилди. Тошкентда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, унинг ҳудудида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ташкил этилди.

2017 йил 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Президентимиз "Ушбу музей — музейларнинг музейи" деб юксак баҳо берар экан, вилоятларда ҳам унинг бўлимларини ташкил этиш тақдирини киритиб, улар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун муқаддас зиёратгоҳ, маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб қолиши кераклигини тасдиқлади.

Билдирилган тақдир ва мулоҳазалар асосида 2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан музей фаолияти янада такомиллаштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 13 та олий таълим муассасаси тузилмада Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилди. 2021 йилда Қарши шаҳридаги Одина масжидида Қашқадарё вилояти Қатағон қурбонлари хотираси музейи янгидан яратилди. Советлар даврида НКВД қамоқхонасига айлантирилган ушбу тарихий обидада ташкил этилган музей 2021 йилнинг 11 октябрда тантанали равишда очилди.

**Сенсор киосклар ва
мониторлар тарих
синаотларини сўзлайди**

2020 йил 8 октябрда Президентимизнинг "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотираси абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши қабул қилиниши эса тарихий адолат тикланиши ва шаҳидлар хотирасини абадийлаштирилиши борасидаги ишларни янги сифат босқичига кўтарди. Фармойиш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 14 та "Қатағон қурбонлари" хотира китоблари тайёрланди. Уларга қатағон қурбонли бўлган 40 мингга яқин ватандошимизга оид маълумотлар киритилди.

Шунингдек, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи экспозицияси "Янги Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс асослари" концепцияси асосида тубдан янгиланди. Замонавий сенсор киосклар ва мониторлар билан жиҳозланди.

Музей ҳамда ҳудудий музейларнинг асосий вазифаси таширчиликни қатағон сиёсати тарихи билан таништириш, қатағон қурбонларини ёд олиш, ёшларни уларнинг энг яхши аъёнларини асосида тарбиялашдан иборат. Уларнинг илмий-маърифий мақсади эса мустанлака давридаги сийосий, иқтисодий, маданий жараёнларни ўрганиш, англаш, қатағон сиёсатининг фожиали оқибатларини таъқиб қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гоғларига садоқат руҳида тарбиялашдир.

Бу борада Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан Ватан ҳимоячилари кўни, Халқаро музейлар кўни, Хоҳира ва қадрлаш кўни, Қатағон қурбонларини ёд этиш кўни, Мустақиллик

байрами муносабати билан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган илмий-амалий, маънавий-маърифий, маданий тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, музей томонидан турли маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда 2002-2022 йиллар мобайнида 50 га яқин конференция, 700 дан ортиқ илмий, маънавий-маърифий тадбир, семинар ўтказилди. Албатта, бу тадбирлар ҳисобот учун эмас, юрт, миллат шаъни, қиммати тикланаётган муҳим даврда ўтказилган боис ҳам катта таассурот қолдирди.

**"Киндик қонинг тўқилган
юрт шарафини ҳимоя қила
олмаслик — бу ўлимдир!"**

2022 йил 7 апрел кўни Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази билан ҳамкорликда "Озарбайжон ва Ўзбекистон халқларининг қатағон фожиаси: бир тарих, бир тақдир" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу анжуманда мазкур икки халқ маърифат-парварлари кўтариб чиққан оламшумул лойиҳалар борасида қизгин муҳокама ҳам бўлиб ўтди.

"Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди билан ҳамкорликда таваллуднинг 120 йиллигига бағишлаб "Мохир таржимон, публицист Санжар Сиддиқ меросининг янги Ўзбекистон давридаги аҳамияти" мавзусида республика илмий анжумани ҳам ўзига хос воқеаларга ва мулоҳазаларга бой бўлди. Мазкур анжуман сентябрь ойидаги энг яхши анжуман сифатида тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилди.

Жорий йил 17 майда "Янги Ўзбекистон тарихшунослигида Туркистон мухторияти тарихининг ўрганилиши: янгича ёндашув ва тадқиқотлар" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида эса иштирокчиларга маълумот ва хулосалар тақдим этилди.

2022 йилда ўтказилган яна бир анжуманга тўхталиш ўринли. Самарқанд шаҳрида Туркистондаги жадидачилик ҳаракатининг етуқ вакиллари билан бири, маърифатпарвар, тилшунос олим Сайид Ҳусн Ализода таваллудининг 135 йиллигига бағишлаб 11 октябрда катта илмий анжуман ўтказилди. 1937 йилда қатағон қилинган ушбу шахс ҳам ўз ўмири ва жонини Ватан учун, унинг ҳур, озод бўлиши, халқнинг фаровон, тинч яшashi учун фидо қилган инсон ҳисобланади. Унинг 1920 йил "Хурият" газетасида эълон қилган "Туркистон бизнинг Ватанимиз" мақоласидаги қўндай фикрлар бугунги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади: "Шу ернинг об-ҳавосини баҳраманд бўлиб камол топсанг-у, унинг шарафини ҳимоя қилсанг, (она диверне) оёқсости бўлиши, қабридан-ишга йўл кўйсанг, номакор ажнабий ўз ватани шон-шавкати учун сенинг ота-болаларинг киндик қони тўқилган ерининг ваҳийларча топтаб, қонини сиймиса ва уни ахлатхонага айлантирсан-ю, сен ҳиссиётларга қараб турсанг ёки ундан қочсанг, ўзинг унинг гораптанлишига қўмақлашсанг, унда сен бу Ватанинг фарзанди эмассан". Айнан шу сингари фикрлари учун Сайид Ризо Ализода совет тузуми томонидан маҳв этилди.

Музей ташкил топгандан буён фондни бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлабки йилларда фонdda бор-йўғи 1000 дан ортиқ материал жамланган бўлса, бугунги кунга келиб, экспонатлар сони 17 146 донага етди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Музей фонди илмий ходимлар ишлашилари натижасида, қолаверса, қатағон



бўлган шахсларнинг оилаларидан олинган маълумотлар, ҳужжатлар, фото, газета-журнал, китоб ва буюмлар билан тўлдирилиб, янгилаб келинмоқда.

**"Ўттиз еттинчи йил
турналари"нинг
катта қирғини**

Музей томонидан қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, номларини оқлаш, жадидалар меросини ўрганиш борасида қилинаётган ишлар турли оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, телеканалларда ёритилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2019 йилдан "O'zbekiston tarixi" телеканали билан ҳамкорликда музей техник базасидан фойдаланган ҳолда қатағон қурбонлари бўлган 200 дан зиёд ватандошимиз ҳаёти, фаолияти ва фожиали тақдирига бағишланган "Миллат фидойилари" туркум кўрсатувлари тайёрланди ва эфирга узатилди.

Музей фаолиятида илмий тадқиқот ҳамда нашр ишлари алоҳида ўрин эгаллайди. Утган давр мобайнида музей илмий жамоаси тадқиқотлари натижасида



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҚЎШИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

55 та монография, 35 та илмий мақола-лар тўплами, 5 та ўқув қўлланма, газета ва журналларда 850 дан зиёд илмий, илмий-оммабо мақола нашр этилган.

Шунингдек, музей томонидан 2009 йилдан буён нашр этиб келинаётган "Тарихнинг номалум саҳифалари" тўпламини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. 2022 йилда мазкур тўпламининг 10-китоби нашрдан чиқди. Президент фармойиши асосида эса биргина 2022 йилнинг ўзида қатағон қурбонлари ҳамда уша давр тарихига бағишланган 10 га яқин китоб чоп этилди. "Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. Йўлқўраткич" (ўзбек, рус, инглиз тилларида), "Миллатимиз фидойилари" китоблари, "Ўттиз еттинчи йил турналари. 1937-1938 йиллардаги катта қирғин қурбонларига бағишланган очерк ва мақолалар" тўплами, "Жадидачилик феномени" монографияси, Ж.Султонмуродов ва М.Султонмуродова ҳаёти, фаолияти, ижодий ишлари, мактублари ва

хотираларидан иборат "Чироқ кўтарган аёл" китоби, Ҳозир Юнуснинг ҳали нашр юзини кўрмаган танланган асарларидан иборат "Ҳозир Юнус. Кўз очинг, Турон эли" китоби шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган фармойишга биноан, мустақил совет тузуми даврида қатағон қилинган ва майин сабабларга кўра оқланмай қолган ватандошларимизни оқлаш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. Музей томонидан Бош прокуратура ва Олий судга ёзилган аризалар натижасида Олий суд томонидан 2021 йил 25 августда совет даврида қатағон қилинган 115 нафар, 2022 йил 6 январда 105 нафар, 2022 йил 19 декабрда 173 нафар,



хотираси давлат музейи раҳбарияти томонидан музей илмий жамоаси, мамлакатимизнинг таниқли тарихчи олимларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган.

миллий кадрларга меҳр ва садоқат гоғларини дадил кўтариб чиққан жадидаларимиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғў мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур", дея таъкидлади. Зеро, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидачилик ҳаракатининг асосий мақсади жамият тараққиёти учун лозим бўлган барча соҳаларда инновацион гоғларини жорий қилиш эди.

Жадидаларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш тўғрисидаги мазкур даъват бу борадаги илмий тадқиқот ишлари янада жадаллаштиришга тақозо этди.

Ушбу вазифалар ижроси ўлароқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Туркий давлатлар ташкилоти, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида 2023 йил 6-7 март кўнлари Тошкентда "Жадидаларнинг маърифий фаолияти: гоғлари, мақсадлари, вазифалари ва Туркистон тараққиётига қўшган ҳиссаси" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Анжуман Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi раислиги доирасида ўтказилгани унинг нуфузини янада оширди.

Конференцияда АҚШ, Туркия, Озарбайжон, Россия, Қозғистон, Швеция ва Германия каби мамлакатлардан 30 га яқин нуфузли жадидашунос олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллаб, унда тарихда икки буюк Ренессансга замин бўлган минтақамизда Учинчи Ренессанснинг айнаган жадидаларимиз амалга ошириши мумкин бўлгани, афсуски, мустақил тузум уларнинг эзгу гоғ ва амалий ҳаракатларини рўёбга чиқаришга имкон бермаганини қайд этди. "Биз бугун мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этар эканмиз, жадидаларимизнинг гуманистик қарашларига таянамиз, уларнинг меросидан маънавий қуч-қувват оламиз", деди Президент.

Табриқ нутқидаги "Фарзандларимизни хар томонлама баркамол, миллий ва умуминсоний кадрларга содиқ инсонлар этиб тарбиялашда тараққиётпарвар аждодларимизнинг ақл-заковати, ирода ва матонати барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Биз халқаро илмий марказлар, дунё олимлари билан ҳамкорликда жадидалар фаолиятини янада чуқур ўрганишни долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз. Бу ноёб мерос орқали бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топа оламиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади" каби фикрлар янги Ўзбекистонда ҳаққоний тарихимизни, жадидаларимизнинг меросини чуқур ва атрофлича ўрганиш, халқимизга тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Тарихий хотираси бўлмаган, тарихни унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдилик миллатнинг истиқболи йўқ. Буюк келажак сари интилаётган она Ватанимиз — янги Ўзбекистонда эса тарихий аъёнлар рўёбга чиқиб, миллий аъёнлар, кадрларга қадр топилиб, халқимизнинг орзу-армонлари ушалди.

Энг асосийси, юртимизда тинчлик ва оқойишталик баробарида, инсон хотираси ва қадри шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибратдир.



Адолат қарор топди, йиллар мобайнида юзага чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди. Мустақиллик йўлида фидокорона кураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатағон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбида мангу яшайди.

2023 йил 19 апрелда 208 нафар, жами 601 нафар шахс оқланди.

Оқланганларнинг аксарияти Туркистондаги жадидачилик ҳаракати намоандалари экани бежиз эмас. Бинобарин, мустақил совет даврида айнан маърифатпарвар, тараққиётпарвар, зиёли инсонлар қатағон қилинган.

**Яна 240 нафар шахс
оқланди**

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини

ишчи гуруҳининг изчил фаолияти, қўламли саъй-ҳаракати туфайли кейинги йилларда совет даврида қатағон қилинган 616 нафар ватандошимиз реабилитация қилиниб, оқланди.

Кўни кеча Олий судга Учлик Кенгашининг махсус йиғилиш қарорларига кўра, 1929-1931 йилларда ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида "босмачилик" ҳаракати аъзолари бўла туриб, қуролли тўда тузилиб, совет ҳукуматига қарши қуролли кўзғолон ёки аксиклиқчилик ҳаракатларини амалга оширганлигида айбонланган Ўзбекистон ССР ва Қозғистон ССР фуқаролари бўлган 240 нафар шахсга оид 5 та жиноят иши келиб тушиб, ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Бош прокурор ўринбосари томонидан юқорида кўрсатилган жиноят ишлари юзасидан Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция протестини бериш мuddатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалар ҳамда апелляция тартибида протестлар келтирилди.

2023 йил 24 август кўни очик суд мажлисларида ушбу илтимосномалар ва протестлар кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан, жами 5 та жиноят иши бўйича 240 нафар шахсга нисбатан Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг оқлов ҳукми чиқарилди.

Адолат қарор топди, йиллар мобайнида юзага чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди. Мустақиллик йўлида фидокорона кураш олиб борган, ҳатто ўз жонини фидо қилган қатағон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбида мангу яшайди.

**Маърифатпарвар
боболаримиз
орзулари**

Президентнинг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши мустақил совет даврида ноҳақ қатағон қилинган жадидаларимизнинг ақл-заковати, ирода ва матонати барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида ҳам жадидачилик ҳаракатининг аҳамиятига яна бир бор эътибор қаратиб, "Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, гоғ оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга,

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бундани расмийлаштирилган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
43690 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бекқўл Эгамқулов
Мусаҳҳиб: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй